



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI

Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Yangibozor tumani, Navbahorko'chasi 2-uy,
Telfon: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-144, Faks: 0(362) 41-94-255

2020 йил " 12 "

№ 225

Yangibozor tumani

Уйғур худуди "Ҳамид Олимжон" маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманазарова Гулнорага узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Уйғур худуди "Ҳамид Олимжон" маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманазарова Гулнорага узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб Ўзган ариқасига, туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан жойлаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Yangibozor tumani hokimligi huzuridagi er uchastkalarini bersh (realizatsiya qilish) masalalarini k'urib chikuvchi tumani komissiyasi tomonidan joylashtirilgan uchastkalarida fermer x'ujaligi tashkil etish b'uyicha utkazilgan ochik tanlov yaqunlari natijalari, tumani fermer, dehqon x'ujaligi va tomorqa er egalari kengashining xulosasi ijro uchun qabul qilinсин.

2. Уйғур худуди "Ҳамид Олимжон" маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманазарова Гулнорага Уйғур қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги № 516,517-контурларда жойлашган умумий ер майдони 11,4 гектар, шундан суғориладиган экин ери майдони 10,0 гектар, 1,4 гектар ариқ, завор ва каналлардан иборат ер участкаси узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш (40 йил) муддатга ижарага ажратиш берилсин.

3. Уйғур худуди “Ҳамид Олимжон” маҳалласида яшовчи фуқаро Жуманазарова Гулнорага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Жуманазарова Гулнора ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро Г.Жуманазаровага:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика бўлими ва туман солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов